

# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҲУНАРМАНДЧИЛИККА ОИД ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК МОДЕЛИ

*Қодиров Бахтиёр Эшмурзаевич*

*Термиз давлат университети, педагогика фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)*

**Аннотация:** *Мазкур мақола умумий ўрта таълим мактабларида технология фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини электрон ахборот таълим муҳитида ривожлантиришнинг дидактик моделини ишлаб чиқишга бағишланган.*

**Калит сўзлар:** *электрон таълим, электрон ресурс, таълим, модел, тизим, дидактика, қизиқиш, қобилият, креатив фикрлашни, интеллектуал қобилиятлар.*

\*\*\*

**Аннотация:** *Статья посвящена разработке дидактической модели развития базовых компетенций учащихся в области технологий при обучении технологиям в общеобразовательных школах в электронной информационно-образовательной среде.*

**Ключевые слова:** *электронное обучение, электронный ресурс, образование, модель, система, дидактика, интерес, способность, творческое мышление, интеллектуальные способности.*

\*\*\*

**Abstract:** *This article is devoted to the development of a didactic model for the development of basic competencies of students in the field of technology in the teaching of technology in general secondary schools in an electronic information educational environment.*

**Keywords:** *e-learning, e-resource, education, model, system, didactics, interest, ability, creative thinking, intellectual ability.*

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар талабларига тўла жавоб берувчи, келажакда мустақил, қизиқиш, қобилият ва мойилликларига мос келувчи касбни танлаш, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобатга бардошли, кескин ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат бозорида танлаган касби малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантиришда

умумий ўрта таълим мактабларининг хиссаси катта [5]. Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тарбиянинг мақсад ва вазифалари тубдан ўзгарди. Шу сабабли, умумий ўрта таълим мактабларида электрон ахборот таълим муҳити (ЭАТМ)ни ташкил этишга аълоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим муассасаларида ўқув жараёнининг реал шароитлари ушбу жараёни қўллаб-қуватловчи тизимлар учун бир мунча ўзига хос талабларни белгилайди [4]. Бу эса ушбу талабларни бажаришда инновацион таълим муҳити каби бир хил майдонни эгаллайди. Умумий ўрта таълим ўқув муҳитининг вазифалари таълим соҳасига оид вазифаларига мутаносиб бўлиши ва умумий ўрта таълимда табиий, аниқ фанлар ва амалий фанлар билан ажралиб туради.

Бизнинг фикримизча, умумий ўрта таълим мактабларида ЭАТМда тизимли хусусиятга эга бўлиши керак [5]. Айнан шунинг учун, биз ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришда ЭАТМни педагогик тизим сифатини қараб чиқамиз.

Сўнги йилларда умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар технология фанини ўзлаштириш жараёнида фанга оид билимларни ўзлаштириш билан бир қаторда, уларда хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган педагогик тизимлар ишлаб чиқиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб ҳисобланади. Бу ўзгаришларнинг моҳияти шундаки, бунда ўқувчилар технология фанини ўзлаштириш жараёнида қуйидагиларни эгаллаши лозим:

материаллар ва уларнинг хоссалари, хусусиятлари ҳамда техник объект ва технологик жараёнларга оид маълумотларни ўрганиш; техник объект ҳамда технологик жараёнларда махсус ва умуммехнат операцияларини билиш; технологик жараёнларни бошқара олиш ҳамда махсус ва умуммехнат операцияларини амалиётда қўллай олиш [4]; креатив фикрлашни, интеллектуал қобилиятларини шакллантириш; технологик жараён ва тайёрланган маҳсулотларни бажариш кетма-кетлиги ҳамда маҳсулот сифатини таҳлил қилиш; буюм ва жараёнларни бажаришга оид хулосалар

чиқариш ҳамда меҳнат операцияларини, маҳсулот сифатини баҳолаш; онгли равишда касб танлашга тайёрлаш ишларини амалга оширишда таянч ва технология фанига оид компетенцияларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

Ўқувчиларнинг ушбу билимга эга бўлишида технология фани ўқитувчисининг роли юқори ҳисобланади. Технология фани ўқитувчиси фанга ва касбига оид билимларга эга бўлиши билан бир қаторда қуйидаги фазилатларга эга бўлиши лозим:

янгича ёндашувда шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришдаги маълум бўлган қолип ва бир хилликдан воз кечиш; амалдаги меъёрлар доирасидан четга чиқиб, ўқитишнинг янгича усулларини қўллаш [1]; шахсий йўналтирилган таълим жараёнинини самарали қўллаган ҳолда янги технологияларни адекват равишда англаш; ўқув жараёнида соҳасига оид энг сўнги технологияларини билиши ва қўллаш; таълим-тарбия жараёнида анъанавий таълим муҳитидан воз кечиш, ЭАТМни ташкил эта оладиган билим кўникма ва малакаларга эга бўлиш [3].


Мазкур тадқиқот ишимизда “тизим” тушунчасининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилдик. Тизим – бу ўзаро боғлиқликда бўлган ва тартибли равишда жойлашган қисмлар бирлигини ифодаловчи яхлитлик [3]. Тизим ҳақида гапирилганда, “тизим” ҳамда “муҳит” тушунчаларининг ўзаро нисбатини қараб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади [2]. Тизим – юнонча сўздан олинган бўлиб, система-қисмлардан тузилган, бирлаштирилган) маълум бир яхлитликни ҳосил қилувчи, бир-бири билан маълум бир муносабат ва боғланишларда бўлган элементлар мажмуаси.

Муҳит барча тизимлар мужассамлашуви бўлиб, у тадқиқ қилинаётган, ажратиб олинган ва айна вақтда атрофимизни ўраб турган оламнинг бизни қизиқтираётган қисмидан ташқарида ётади. Бундан хулоса чиқариш мумкинки: тизим – бу қандайдир йўл билан муҳитдан ажратиб олинган объектлар тўплами [7].

Тизим ва муҳит ўртасида ўзаро алоқалар мавжуд бўлиб, улар ёрдамида муҳит ва тизимнинг ўзаро таъсирлашуви амалга ошади [5,6]. Тизим ва муҳит ўртасидаги ўзаро муносабат қуйидагича тасаввур этилади.

Модель – педагогик муаммонинг қисмарга бўлинган ҳолда кичик объектларда ўрганилиши, жараёнларнинг ташкил этилиш натижасида умумий глобал мақсадга йўналтирилган ҳолда, босқичма-босқич таълим натижаларига эришиш ҳамда бир бутун ҳолатда жараённи юритиш ва назорат қилиш имкониятида яхлит мақсадга эришиш [5].

Ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ЭАТМда ривожлантиришни бир бутун тизим сифатида таҳлил қилиш мақсадида дидактик модель ишлаб чиқилди (1-расм). Мазкур модель учта блок (мақсадли блок, жараёнли блок, натижали блок)га ажратилиб, мақсадли (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, вазифалар), жараёнли (таянч компетенция турлари (маҳсус, касбий), педагогик жараён (мазмун, шакл, метод, восита, қўлланиш соҳаси)), натижавий (баҳолаш мезонлари (репродуктив, продуктив, креатив) ҳамда натижа)ни ўз ичига олади.



1-расм. Ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ЭАТМда ривожлантиришнинг дидактик модели

Моделнинг мақсади уч даражада: таълимий – ЭАТМдан фойдаланган ҳолда «Технология» фанини ўқитиш жараёнини ташкиллаштириш, ўқувчиларни хунармандчиликка оид тушунчалар билан таништириш; тарбиявий – ўқувчиларда хунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ЭАТМда ривожлантириш (хунармандчиликнинг турлари, буюмларни ясаш жараёни)ни ўргатиш [8]; ривожлантирувчи – ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид илмий маълумотларни ЭАТМда ўрганиш, уларни элементар таҳлил, синтез қилиш ҳамда хулоса чиқариш қобилиятини ривожлантириш киритилди.

Модель тўртта вазифани қамраб олган бўлиб, унда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига ЭАТМни яратиш жараёнига таъсир кўрсатувчи педагогик-психологик омилларни ўрганиш, таълим сифати ва самарадорлигини ошишига хизмат қилишига қаратилган дидактик имкониятларини такомиллаштириш, ЭАТМда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришда когнитив (билим), аффектив (ҳиссий-қадриятли) ва психотор (ҳаракатли) мақсадлар асосида дидактик моделини ишлаб чиқиш ва ЭАТМда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилувчи дастурий ва методик таъминотини яратишни ўзига вазифа сифатида қабул қилади.

Ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ЭАТМда ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи компетенциянинг турлари таянч, касбий ва махсус компетенциялар ҳисобланади.

Моделда педагогик жараён қуйидаги даражалар билан методик элементлари аниқланди: мазмун (амалий фанлар ДТС, ўқув дастури: «Технология» фанини ўқитишга оид ҳужжатлар, илмий адабиётлар, электрон қўлланмалар ва манбалар, дидактик манбалар, кўрғазмали қуроллар, макет ва тренажёрлар, техник объектлар); шакл (жамоавий, гуруҳли ҳамда индивидуал машғулотларни ташкил этиш); метод (анъанавий ва инновацион технологиялар); восита (“Android Book Apk”, “HotPotatoes”, “iSpring,

QuizMaker”, “AutoPlay Media Studio” дастурлари ҳамда HTML дастурлаштириш тилида ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган дастурий методик таъминотини яратиш); қўлланиш соҳаси («Технология» фанига оид, хунармандчиликка оид тўғарак машғулотларида ва мустақил таълимни ташкил этиш жараёнида) узвий боғланган.

Ушбу педагогик жараёни баҳолаш репродуктив, продуктив, креатив мезонларга кўра амалга оширилади. Бу мезонларга асосланиб, ўзлаштиришнинг юқори, яхши ва ўрта даражалари ишлаб чиқилиб, ЭАТМда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенциялари ривожланганлиги баҳоланади. Натижада, ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенциялари ЭАТМ орқали ривожлантиришга эришилди [7].

Педагогик жараённинг таркибий қисмларидан бири жараёни амалга ошириш учун машғулот керак бўлади. Мазкур моделда машғулотларни дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда амалга ошириш тадқиқ этилди.

Синфда назарий, амалий, кўргазмали, дарсдан ташқари машғулотлар, тўғарак, экскурсия, устоз-шогирд тизимида ташкил этилди.

ЭАТМда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик тизими элементлари сифатида қуйидагилар таклиф этилди: мақсад ва вазифалар; ЭАТМда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш босқичлари; хунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари; натижавий-баҳолаш [7].

Юқорида баён этилган тизимли ёндашувнинг асосий тушунча, илмий хулосалар, тизимларни таҳлил ва синтез қилишдаги мантиқий ҳаракатларнинг келтирилган кетма-кетлиги, тизимли ёндашувнинг биринчи методологик вазифасини ташкил қилади, яъни тизим сифатида тадқиқ қилинадиган ҳамда лойиҳаланадиган объектларни тасаввур қилиш учун воситаларни таъминлаб беради. Санаб ўтилган ўқувчиларнинг

хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш педагогик тизим ичида кечади, лекин бу тизим фаолияти самарали бўлиши учун уни ўраб турган муҳит, яъни ижтимоий-маданий, ЭАТМ талаб даражасида бўлиши зарур.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш корхоналарига янги техника ва технологиялар ҳамда бошқарувнинг янги усуллари жорий этилиши барча таълим муассасаларида ўқувчиларни мустақил касб танлашлари ва танлаган касби билан чекланиб қолмасдан бир нечта ҳунар эгаллашга тайёрлаш мазмунини модернизациялашга асос бўлди. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни сўнги ва замонавий билимларга эга шахс этиб тарбиялаш тизимида таълим олувчи ва таълим берувчилар ўртасидаги субъект-объект муносабатларидан субъект-субъект муносабатларига ўтилиши таълим жараёнининг компетентли ёндашув асосида қурилишига замин яратди.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Маматов Д.Н. Электрон ахборот-таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш. PhD док.дис. –Тошкент, 2017. – 150 б.

2. Мукумова Ф.Х. Thinking motives that encourage students to be creative.In Proceedings of TECHMIND-2021,3<sup>rd</sup> Global Congress on Contemporary Sciences & Advancements, organized by E-Cjnfrence Globe on April 6<sup>th</sup> -7<sup>th</sup>, 2021.

3. Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари анги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари.: Пед. фан. докт.... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 44 б.

4. Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий–педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари: Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) дисс. – Тошкент, 2019. – 200 б.



5. Қодиров Б.Э. “Development of basic Competencies of students in crafts in technology lessons” // Yeuropean Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 4, 2020, Part ISSN 2056–5852

6. Қодиров Б.Э. The role of e-learning yenvironments in developing students' basic craft skills// International Vritual Conference On Innovative Thoughts, Research Ideasand Inventions in Sciences Hosted from Newyork, comJanuary 20 th 2021. – P. 469-470

7. Қодиров Б.Э. Электрон ахборот таълим муҳитида ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш методикаси. Дис. ... п.ф.ф.д. (PhD) – Термиз.: 2021. – 143 б.

8. Шомирзаев М.Х. Мактаб технология таълимида миллий хунармандчиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича докторлик (ДSc) дисс. - Тошкент, 2021. – 219 б.